

А Ж Р И М

(жиноят ишени ярашув асосида тугатиш ҳақида)

2023 йил январь ойининг 31 куни жиноят ишлари бўйича Қўштепа туман судининг очиқ суд мажлиси ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи А.Эргашев, судья ёрдамчиси Ш.Йўлдошалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Қўштепа туман прокурори ёрдамчиси А.Юсупов, судланувчи А.Жалолов ва унинг ҳимоячиси-адвокат Х.Юлдашев, жабрланувчи Қ.Пўлатов ҳамда фуқаровий даъвогар А.Мўйдиновнинг иштирокида,

Судланувчи Жалолов Аъзамхўжа Аълохон ўғли (Jalolov A'zamxo'ja A'loxon o'g'li) - 1995 йил 3 август куни Қўштепа (Охунбобоев) туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, ишламайди, муқаддам судланмаган, оилали, Қўштепа тумани, Қийқи м.ф.й., Беҳизор кўчаси, 134-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2022 йил 19 декабрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган Жалолов Аъзамхўжа Аълохон ўғли (Jalolov A'zamxo'ja A'loxon o'g'li)га нисбатан 1-1512-2301/32-сонли жиноят ишени кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Жалолов 2022 йил 3 декабрь куни соат 18³⁰ ларда бошқарувидаги А.Мўйдиновга тегишли бўлган “Damas” русумли 40P253YA давлат белгили автомашинасида “Марғилон-Олтиариқ” йўлида Олтиариқ йўналиши томонга ҳаракатланиб кетаётиб, Қўштепа тумани, Катта Бешкапа м.ф.й., Боғи-майдон кўчаси, 105-уйнинг тўғрисида етиб келган вақтда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган “Йўл ҳаракати қоидалари тўғрисида”ги қонунни 11^Г-банди ва 77-бандида кўрсатилган талабларини қўпол равишда бузиб, мазкур автомобиль йўлида ўзи билан бир йўналишда пиёда ҳаракатланиб кетаётган Пўлатов Қаюмжон Раимжоновични автомашина олд ўрта қисми билан уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада А.Жалоловнинг бошқарувидаги А.Мўйдиновга тегишли бўлган “Damas” русумли 40P253YA давлат белгили автомашинасига зарар етган. Шунингдек пиёдачи Қ.Пўлатов тан жароҳати олиб шифохонага мурожаат қилган.

Суд тиббий экспертизасининг 2022 йил 9 декабрдаги 4061-сонли хулосасига кўра, Қ.Пўлатовда қорин ёпиқ тумтоқ шикасти, кўричак деворини постравматик йиртилиши, ингичка ичак шиллиқ қаватларига қон қуйилиши, қорин бўшлиғи аъзоларининг лопортамиядан кейинги ҳолати, чап оёқ катта ва кичик болдир суякларини 1/3 қисмидан очиқ силжиб синиши, чап болдир соҳасини йиртилган яраси, қорни соҳасини иккала тос ташқи бурчак соҳасини, ўнг болдир соҳасини шилинмалари аниқланиб, бу тан жароҳатлари оғирлик



даражасига кўра ҳаёт учун хавфли бўлган оғир шикастлар тоифасига кириши аниқланган.

Судланувчи А.Жалолов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2022 йил 3 декабрь куни соат 18³⁰ ларда бошқарувидаги А.Мўйдиновга тегишли бўлган “Damas” русумли 40P253YA давлат белгили автомашинасида “Марғилон-Олтиариқ” йўлида Олтиариқ йўналиши томонга ҳаракатланиб кетаётиб, Кўштепа тумани, Катта Бешкапа м.ф.й., Боғи-майдон кўчаси, 105-уйнинг тўғрисида етиб келган вақтда, мазкур автомобиль йўлида ўзи билан бир йўналишда пиёда ҳаракатланиб кетаётган Қ.Пўлатовни автомашина олд ўрта қисми билан уриб юборганини, натижада бошқарувидаги А.Мўйдиновга тегишли бўлган “Damas” русумли автомашинасига зарар етганини, шунингдек пиёдачи Қ.Пўлатов тан жароҳати олганини, жабрланувчи Қ.Пўлатов ва фуқаровий даъвогар А.Мўйдиновга моддий ёрдам кўрсатганини, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогардан кечирим сўраганлиги ва улар билан ўзаро ярашиб олганлиги сабабли, жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўради.

Жабрланувчи Қ.Пўлатов судга тақдим қилган аризаси ва суддаги кўрсатувида ҳақиқатдан ҳам, 2022 йил 3 декабрь куни соат 18³⁰ ларда укаси Пўлатов Қобилжонни яшаш уйига пиёда “Марғилон-Бешкапа” автомобиль йўлининг ўнг четида кетаётган вақтда ортидан катта тезликда “Damas” русумли автомашина тормозлаган ҳолда келиб уриб юборганини, зарба таъсирида у 3-4 метр узоқликка учиб кетганини, сўнг ҳушидан кетганини, ўзига келган вақтда Лангар тиббиёт бирлашмасида ётганини билганини, у мазкур йўл транспорт ҳодисаси вақтида олган тан жароҳатлари сабабли 2 маротаба операция жараёнини бошидан ўтказганини, ўтган вақт ичида ҳайдовчи унга нотаниш бўлган кейинчалик танигани А.Жалолов моддий томондан ёрдам берганини, ҳозирда соғлиги яхшилигини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, А.Жалолов билан ўзаро ярашиб олганликлари сабабли А.Жалоловга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, суд ярашув тўғрисидаги аризасини қаноатлантирса, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганини билдирди.

Фуқаровий даъвогар А.Мўйдинов судга тақдим қилган аризаси ва суддаги кўрсатувида ҳақиқатдан ҳам, у 2022 йили баҳор фаслида “Damas” русумли 40P253YA давлат белгили автомашинани сотиб олганини, ўқитувчилик фаолияти билан шуғулланиб келгани сабабли 2022 йил август ойида таниши Жалолов Аъзамхўжага автомашинани ижарага оёига 1.500.000 сўм бериш шарти билан берганини, 2022 йил 3 декабрда дадаси Р.Қазаков бетоб бўлгани сабабли Лангар тиббиёт бирлашмасига ҳолидан хабар олиш мақсадида келган вақтда таниши А.Жалоловни унга тегишли бўлган “Damas” русумли 40P253YA давлат белгили автомашинада “Марғилон-Олтиариқ” автомобиль йўлида кетаётган вақтда бир нафар пиёдачини уриб юборганини билганини, сўнг А.Жалолов билан гаплашиб, унга ижарага берган “Damas” русумли автомашинасини кўрганида автомашинага шикаст етганини билганини, ҳозирда А.Жалолов моддий томондан ёрдам бериб, етказилган зарарни тўлиқ қоплаганини, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини билдириб, А.Жалолов билан ўзаро ярашиб олганликлари сабабли А.Жалоловга нисбатан



бўлган жиноят ишини ярашув асосида тугатишни сўраб, суд ярашув тўғрисидаги аризасини қаноатлантирса, жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилганини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида ушбу Кодекс 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқрор бўлиб, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида жабрланувчи Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда, жиноят иши суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмай тугатилиши мумкинлиги белгилаб қўйилган.

Суд, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар ҳамда судланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб чиқиб, туман прокурори ёрдамчиси А.Юсупов ва адвокат Х.Юлдашевнинг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи А.Жалоловнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлиги, ярашув судланувчи, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогарнинг хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмига асосан А.Жалоловнинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан, жиноят ишини тугатишни, А.Жалоловни жиноий жавобгарликдан озод қилишни, судланувчи А.Жалоловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни;

Шунингдек суд, жабрланувчи Қ.Пўлатов ва фуқаровий даъвогар А.Мўйдиновга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқланганидан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқларини йўқотишини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 84, 423, 586-моддаларини қўллаб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган Жалолов Аъзамхўжа Аълохон ўғли (Jalolov A'zamxo'ja A'loxon o'g'li)га нисбатан ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, унга оид жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилиб, у жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Жабрланувчи Қ.Пўлатов ва фуқаровий даъвогар А.Мўйдиновга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқлари йўқолганлиги тушунтирилсин.

А.Жалоловга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Ажримдан норози тарафлар йигирма кунлик муддатда шу суд орқали Фарғона вилоят судига хусусий шикоят қилишга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

А.Эргашев

нусхаси аслига тўғри,
Жиноят ишлари бўйича
Қўштепа туман судининг раиси

А.Эргашев

